



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 19 » avgust

№ 400

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 2 ноябрдаги 664-сон қарори билан тасдиқланган
Солик тўловчилар ихтиёрий тугатилганда соликлар бўйича хulosा
бериш хуқуқига эга бўлган солик маслаҳатчилари ташкилотлари
рўйхатини юритиш ва солик тўловчилар ихтиёрий тугатилганда
соликларга доир хulosаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга
Янги Ўзбекистон маъмурӣ ислоҳотлари доирасида солик маслаҳати
бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини янада такомиллаштиришга
қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида**

Солик маслаҳати институтининг роли ва фаолиятини кенгайтириш
орқали солик тўловчилар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш,
шунингдек, солик тўловчилар ихтиёрий тугатилганда соликларга доир
хulosा бериш жараёнига солик маслаҳатчилари ташкилотларини янада
кенгрок жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 664-сон қарори
билан тасдиқланган **Солик тўловчилар ихтиёрий тугатилганда соликлар
бўйича хulosा бериш хуқуқига эга бўлган солик маслаҳатчилари
ташкилотлари рўйхатини юритиш ва солик тўловчилар ихтиёрий
тугатилганда соликларга доир хulosаларни бериш тартиби
тўғрисидаги низомга** иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи
ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

солик тўловчининг ихтиёрий тугатилиши тўғрисида солик
органларини хабардор қилиш муддатини **7 иш кунидан 10 иш кунига**
узайтириш;

ихтиёрий тугатиш натижалари юзасидан **солик маслаҳатчилари
томонидан тузиладиган хulosा шаклини расмийлаштириш;**

ихтиёрий тугатилаётган солик тўловчиларга **солик маслаҳатчилари
томонидан хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келган тафовутларни
бартараф этиш хуқуқини бериш;**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси **сифатида қайта ташкил этилганлиги** муносабати билан мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритиш.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 19 августдаги 400-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 664-сон қарори билан
тасдиқланган Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар
бўйича хulosса бериш хуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари
ташкилотлари рўйхатини юритиш ва солиқ тўловчилар ихтиёрий
тугатилганда солиқларга доир хulosаларни бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банддаги “Давлат солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда –
Давлат солиқ қўмитаси)” сўzlари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ
қўмитасининг (кейинги ўринларда – Солиқ қўмитаси)” сўzlари билан
алмаштирилсин.

2. 8, 11, 12, 21, 22-бандлардаги ва 1-иловадаги “Давлат солиқ
қўмитаси” сўzlари “Солиқ қўмитаси” сўzlари билан алмаштирилсин.

3. 9 ва 19-бандлардаги “Давлат солиқ қўмитасига” сўzlари “Солиқ
қўмитасига” сўzlари билан алмаштирилсин.

4. 13-бандда:

а) биринчи хатбошидаги “Давлат солиқ қўмитасидан”, “Давлат солиқ
қўмитасини” ва “етти иш куни” сўzlари тегишлича “Солиқ қўмитасидан”,
“Солиқ қўмитасини” ва “ўн иш куни” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) икkinchi хатбошидаги “Давлат солиқ қўмитасига” сўzlари “Солиқ
қўмитасига” сўzlари билан алмаштирилсин.

5. 17-бандда:

а) биринчи хатбошидаги “тeng кучга эга бўлган” сўzlардан кейин
“мазкур Низомга З-иловага мувофиқ тасдиқланган шаклда” сўzlари билан
тўлдирилсин;

б) икkinchi ва учинчи хатбошилардаги “Давлат солиқ қўмитасига”
сўzlари “Солиқ қўмитасига” сўzlари билан алмаштирилсин.

6. 20-бандда:

а) қўйидаги мазмундаги иkkinchi хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботларидаги
маълумотлар ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари маълумотлар ўртасида
аниқланган тафовутларни солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг
тавсиясига кўра хulosса бергунга қадар солиқ тўловчилар томонидан
аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари тақдим этилиши мумкин”;

б) иkkinchi ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи
хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. Қуйидаги мазмундаги З-илова билан тұлдирилсін:

“Солиқ тұловчилар ихтиёрий тугатилгандан
соликлар бүйича хulosса бериш хуқуқига эга бўлган
солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатини
юритиши ва солиқ тұловчилар ихтиёрий
тугатилгандан соликларга доир хulosаларни
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
З-илова

**Солиқ тұловчи ихтиёрий тугатилгандан соликларга доир
ХУЛОСА**

Солиқ тұловчи _____ бўйича
(тўлик номи)

(солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг номи, давлат рўйхатдан ўтганлиги
тўғрисида маълумот, унинг реквизитлари)

(солиқ тұловчилар ихтиёрий тугатилгандан соликлар бўйича хulosса бериш хуқуқига эга
бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг рўйхатига киритилганлиги ҳакида
маълумот (Солиқ маслаҳатчилари палатаси веб-сайтидаги рўйхат рақами)

(солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари ва солиқ маслаҳати бўйича
хизмат кўрсатган солиқ маслаҳатчисининг Ф.И.О. ва малака сертификати
берилган санаси ва рақами)

(ихтиёрий тугатилаётган солиқ тұловчининг (мижоз) тўлик номи,
СТИР, манзили, реквизитлари)

(ихтиёрий тугатиши тўғрисида қарор қабул қилинган сана/рўйхатдан ўтказувчи органга
ихтиёрий тўхтатиши тўғрисида ариза тақдим этилган сана)

(ихтиёрий тугатилаётган солиқ тұловчининг шахсий кабинетига солиқ маслаҳатчилари
ташкилоти билан у томонидан соликларга доир хulosса бериш бўйича шартнома тузиш
хуқуқи мавжудлиги тўғрисида Солиқ кўмитаси томонидан хабарнома юборилган сана)

(солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш учун тузилган шартнома
ҳакида маълумот (рақам ва сана)

Хизмат кўрсатилган даврлар

(календарь йил(лар))

(солик тўловчи ҳақида қисқача маълумот (давлат рўйхатидан ўтган сана),
амалга оширган фаолият турлари)

(таъсисчилар ва устав фонди ҳақида маълумот)

лицензияланадиган фаолият тури ҳақида маълумот (номи, рақами, санаси)

(хулоса берилган даврда (йиллар бўйича) тўланган солик турлари,
айланма (тушум) миқдори)

(аниқланган тафовутларнинг солик маслаҳатчилари ташкилоти тавсиясига кўра
хизмат кўрсатиш жараёнида бартараф этилиши тўғрисида маълумот
(агар бартараф этилган бўлса)

Ихтиёрий тугатилаётган солик тўловчига кўрсатилган солик маслаҳати бўйича
хизмат кўрсатиш натижаси куйидагича:

_____ йилги фаолияти бўйича:

сўмда

T/p	Солик тури	Солик тўловчи ҳисоботи бўйича	Солик маслаҳатчилари ташкилотининг маълумоти бўйича	Фарқи

_____ йилги фаолияти бўйича:

сўмда

T/p	Солик тури	Солик тўловчи ҳисоботи бўйича	Солик маслаҳатчилари ташкилотининг маълумоти бўйича	Фарқи

_____ йилги фаолияти бўйича:

сўмда

T/p	Солик тури	Солик тўловчи ҳисоботи бўйича	Солик маслаҳатчилари ташкилотининг маълумоти бўйича	Фарқи

Тавсиялар:

(тафовут аниқланганда, уларни бартараф этиш бўйича Солик қўмитасига
юбориладиган ҳужжатлар тўғрисида маълумот ва бошқа тавсиялар)

Солик маслаҳатчилари
ташкилотининг раҳбари _____ Ф.И.О. _____ имзо

Солик маслаҳатчиси _____ Ф.И.О. _____ имзо”.

